

**АРУЗШУНОСЛИК** — аruz шеърий тизими хусусиятларини тадқик килувчи адабиётшунослик соҳаси. Аruz тизими хакида илк тадқикот араб шоири ва адабиётшуноси Халил ибн Ахмад каламига мансуб бўлиб, «Ал-аруз» деб аталади. Шунингдек, Ибн Усмон Мазиний, Имом Ахмад ибн Абдураббих, Ибн ал-Хатиб ат-Табризий, Зиёвуддин Абул Жайш ал-Хазражий каби араб олимлари хам аruz шеърий тизими назарий масалалари хусусида изланишлар олиб борганлар. Аruz тизими хакида, айникса, форс-тоҷик адабиётшунослари кўплаб илмий асарлар битдилар. Форс-тоҷик арузшунослигини Мавлоно Юсуф Нишобурий (X аср) бошлаб берган. Кейинчалик бу фан Рашиддин Ватвот (XIII аср)нинг «Ҳадойик ус-сехр», Шамс Кайс (XIII аср)нинг «Ал-мўъжам фи меъёр ашъор ал-ажам», Насриддин Тусий (XIV аср)нинг «Меъёр ул-ашъор», Салмон Савожий (XIV аср)нинг «Касидатун мануот ал-аруз», Абдурахмон Жомий (XV аср)нинг «Рисолаи аруз» асарлари хисобига бойиди ва такомиллашди. Туркий халклар орасидан етишиб чиккан алломалар хам аruz илми тараккиётига сезиларли хисса кўшдилар. Машхур файласуф Абу Носир Форобий (X аср), Абу Али ибн Сино X-XI асрлар), Абул Косим Замахшарий (XI-XII асрлар), Абу Яъкуб Юсуф ибн Абубакр Саккокий (XII-XIII асрлар) ўзларининг араб ва форс тилларида битилган илмий асарлари билан нафакат араб ва форс, балки туркий аruz тараккиётига хам хисса кўшдилар. Шайх Ахмад Тарозийнинг «Фунун ул-балога» асари туркий аruz илмининг илк сарчашмаси хисобланади. Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авzon» асари бу соҳадаги йирик тадқикотлардан биридир. Улуг шоир ушбу китобида арузнинг умумий коидалари, баҳр ва вазнлари турларини туркий тилда муфассал баён килиб колмасдан, туркий халк оғзаки ижоди намуналарининг киёсий таҳлили оркали бармок вазни асосларини хам белгилаб берди. Ўзбек арузшунослиги тараккиётида Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Мұхтасар» деб номланган йирик хажмли тадқикоти хам мухим аҳамият касб этади. Бобур туркий аruz ўлчови имкониятларининг нихоятда кенглигини таъкидлаш максадида шеъриятимизда кўлланилиши мумкин бўлган 537 та вазнни (улардан 400 га якини мутлако янги, Бобур томонидан кашф этилган ўлчовлар) санаб ўтиб, улардан хар бирига бир байтдан мисоллар келтиради.

XIX аср охирларида шоир Зокиржон Фуркат хам аruz хакида илмий рисола битган. Хозирча нашр килинмаган ушбу рисолани профессор Г.Каримов Остроумов фондидан топган эдилар. Фуркат ушбу мўъжаз (16 бетлик) асарида ўзбек шеъриятида фаол кўлланиладиган 55 вазн хакида маълумот берган.

XX асрда аruz илмига кизикиш янада кучайди: 1936 йилда Фитрат яратган «Аruz хакида» рисола чоп этилди; 1948 йили адабиётшунос олим С.Мирзаев «Навоий арузи» мавзусида номзодлик диссертациясини ёклади; 1972 йилда Алибек Рустамовнинг «Аruz хакида сұхбатлар» рисоласи әълон килинди; 1985 йилда У.Тўйчиев «Ўзбек поэзиясида аruz системаси» мавзусида монография нашр килдирди.

Мустакиллик йилларида аruz шеърий системасида ижод килувчи шоирлар сафи ортиб бораётгани адабиётшуносликда хам ўз инъикосини топмокда. Кейинги йиллар ичida профессор А.Хожиахмедов «Аruz назарияси асослари», «Ўзбек арузи лугати», «Навоий арузи нафосати» каби китоблар яратди; С.Рўзимбоев каламига мансуб «Аруздан сабоклар», А.Аъзамовнинг «Аruz», А.Абдурахмоновнинг «Аruz илмидан сабоклар» асарлари яратилди. Шунингдек, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари талабалари учун чикарилаётган дарслик ва

ўкув кўлланмаларда мумтоз адабиёт намуналарини ўрганиш жараёни билан боглик равишда аruz шеърий тизимининг назарий масалаларига алоҳида эътибор каратилмоқда. Арабий аruz араб тилининг алифбоси, фонетикаси, имлоси ва орфоэпияси конуниятлари асосида хосил бўлган ходисалигига карамай, араб графика асосидаги ёзувда битилган шеърий асарларни ўрганувчи туркий арузшунослик билан кўпгина умумийликларга эгадир. Аммо кирил ва лотин графикаси асосидаги замонавий ўзбек ёзувидаги матнларга арузшуносликнинг барча коидаларини хам татбик килиб бўлавермаслиги, миллий шеъриятда ўз аксини топган ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари замонавий арузшунослик олдига истилохий вазифалар кўяди.